

Ошуро куни қандай ва нима учун?

﴿يَوْمَ عَاشُرِ رَأْءٍ مَاذَا وَكَيْفَ؟﴾

[الْأَوْزَبْكَى – Uzbek –]

Шамсиiddин Дарғомий

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

~1~

﴿يَوْمَ عَاشُورَاءِ لِمَاذَا وَكَيْفَ؟﴾

«باللغة الأوزبكية»

شمس الدين درغامي

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Алҳамдулилаҳ вассолату вассаламу ала ман ла набийя баъдаҳ

Оллоҳ таолонинг фазли ва қарами ҳамда биз мўминларга бўлган раҳмати туфайли ҳозирда кўпчиликка Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари равшан бўлиб келмоқда. Ушбу суннатлардан бири Ошуро кунида рўза тутиш суннатидир. Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки Ошуро кунининг суннатлиги ва унинг аҳамияти ҳамда бу кунда рўза тутиш ўтган бир йилга каффорот бўлиши кўпчилигимизга энди сир эмас. Бу суннатнинг муҳимлиги билингач, уни қандай йўл билан комил суратда амалга ошириш кераклигини билиш лозим бўлиб қолди.

Шундай экан ушбу сатрларда ошуро кунини қандай қилиб суннатга мувофиқ равища бажариш ҳақида сўз юритсак.

Ошуро куни рўза тутишнинг ҳукми.

Ошуро кунида рўза тутиш барча олимлар назарида бир овоздан мустаҳаб амалдур. Баъзи олимлар қатъий суннат ҳам дейишган. Имом Бухорий ўзларининг саҳиҳларининг "Ошуро кунининг рўзаси" деб номланган бобида Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳадисларини келтирадилар. Унда Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам "Ушбу Ошуро куни сизларга бу кунда рўза фарз қилинмади, мен эса бу кунда рўза тутдим, ким рўза тутиши ҳоҳласа тутсин, ҳоҳламаганлар тутмасин"¹ деб марҳамат қиласидилар. Бу ҳадисни имом Муслим ҳам ривоят қилганлар.

Шайхулислом ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтадилар. "Ошуро кунида рўза тутган киши унга қўшиб тўққизинчи кунида ҳам рўза тутиши суннат бўлади. Чунки Росууллоҳнинг бу борада энг охирги амаллари шу тарзда бўлган"²

Бу кунларда рўза тутишнинг ҳикмати.

Тўққизинчи кунда рўза тутишнинг ҳикмати: Ушбу кунда рўза тутиш Ошуро кунида рўза тутишга боғлиқ бўлиб, асосан бу амал яҳудларнинг амалига тўғри келиб қолмаслик учун қилинади. Яҳудлар фақат Ошуро кунида рўза тутадилар. Росууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Ошуро кунини рўзасига буюрган кўп ҳадисларда "холифу ал-яҳуд" яҳудларга хилоф қилинглар деб буюрадилар. Яҳуд ва насронийларга қолаверса бошқа динда эгаларига мансуб бўлган амалларга мос амал қилишдан нафақат Ошуро кунида, балки бошқа амалларда ҳам бундан қайтарилганмиз.

¹ Имом Бухорий ривоятлари. Ошуро куни рўза тутиш боби, 3-148, 2709-ҳадис.

² Фатово ибн Таймийя 5-312.

Ўнинчи кунда рўза тутишнинг ҳикмати: Бу кунда буюк ҳодиса ва Оллоҳнинг энг катта мўжизаларидан бири денгиздан йўл очилиши содир бўлган экан. Ушбу кун Оллоҳнинг мўмин бандалари ва унинг буюк пайғамбарларидан бири Мусо алайҳиссалом ва унинг қовми нажот топиб, Оллоҳнинг душмани энг катта тоғут бўлмиш Фиръавн ва унинг қовми сувга чўкиб ҳалок бўлган кун. Биз бундай буюк тарихий ҳодисага хурсандчлик изҳор қилиб, Оллоҳ таолога шукр юзасидан, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бу куннинг рўзасини ўзлари бошлаб берганлари учун рўза тутамиз.

Ошуро куни рўзасининг мартабалари.

Ошуро кунини олимларнинг гаплари ва ҳолатни хулоса қилиб уч поғонага ёки мартабага бўлишимиз мумкин.

Биринчи мартаба: Мана шу уч мартабанинг энг афзали бўлиб, у ошуро кунинг олдидан бир кун ва оақасидан бир кун, яъни тўққизинчи, ўнинчи ҳамда ўн биринчи кунлари рўза тутишдур. Бу ихтиёрнинг афзаллиги шундаки, унда суннат ва унинг устига ортиқча нафл қўшилиб бир нечта фойдани қўлга киритилади. Чунки Ошуронинг суннати икки кун бўлганлиги саҳиҳ манбаларда собит бўлиб, учунчи кунда рўза тутиш Ошуро суннатиданми ёки ундан эмасми деган ихтилоф мавжуд. Бунга сабаб учинчи кун рўза тутиш кераклиги ҳакида ворид бўлган ҳадисни заифлиги бўлади. Имом Ибн Боз раҳматуллоҳи алайҳининг бу масалада қилган хулосаларини³ бунга жўр қилишимиз мумкин. Бунга қўшимча равишда ушбу сабабларни келтириш фойдадан холий эмас.

- 1- Унга бир ой рўзанинг ажри ёзилади. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Осдан ривоят қилинган муттафақун алайҳи ҳадисда "хар ойдан уч кун рўза тутиш бир умр тўлиқ рўза тутишга тенг"⁴ деб марҳамат қиласидар. Бунинг баёни ҳадисларда келшича Оллоҳ таоло битта савобга ўн баробар ажр марҳамат қиласидар. Демак бир ойда уч кун тутилган рўзанинг ажри ўша ойни тўлиқ тутганга ўхшайди. Банда шу тарзда ҳар ой уч кун рўза тутиб умрини охиригача давом этса, у бир умр рўза тутгандек бўлади.
- 2- Умумий равишида Мухаррам ойида рўза тутишлик Рамазон ойидан кейин тутиладиган рўзаларнинг афзали ҳисобланади. Бу бобда жуда қўплаб ҳадислар келган бўлиб улардан бири. Абу Ҳурайра розиёллоҳудан ривоят қилинади. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам "Рамазон рўзасидан кейин энг афзал рўза Оллоҳнинг мухаррам ойидаги рўза, фарз намозлардан кейнги энга афзал намоз тунги (тахжжуд) намоз"⁵ деб марҳамат қиласидар.

³ Ибн Боз фатоволари. 15- 397.

⁴ Муттафақун алайҳи.

⁵ Сунан Аби Довуд. Мухаррам ойи рўзаси боби. Албоний саҳиҳ деганлар.

Иккинчи мартаба: тўққизинчи ва ўнинчи кунлардагина рўза тутиш. Ибн Аббос розиёллоҳу анхудан имом Муслим ривоят қиласидилар, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам "Агар келаси йилгача тирик бўлсан тўққизинчи кунни ҳам тутаман"⁶ дедилар.

Яна иб Аббосдан ривоят қилинади. Айтадиларки "Тўққизинчи ва ўнинчи кунини тутинглар, яхудларга хилоф қилинглар"⁷.

Учинчи мартаба: Ошуро кунини фақат ўзидағина рўза тутиш. Ибн Аббос ва бошқа саҳобалардан ривят қилинади, айтадиларки "Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бизларини ошуро куни рўза тутишга буюрдилар". Ҳадисда бошқа Ошуро кунидан бошқа кунларнинг зикри келмагани учун фақат ошуро кунида рўза тутиб қўйса бўлди дейишади.

Ошуро кунида бошқа фазилатли ишлар зикр қилинмаган бўлиб, бу кунда бола-чақага кўпроқ нафақа қилиш керак, ҳайит кунига ўхшатиш керак ёки ундан бошқа нималардур қилинади деган гап келмаган.

Оллоҳ таоло барчамизни мана шу кунни рўзасини тутиб, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг "ўтган бир йилга каффорот бўлади" деган башоратларига мушарраф бўлишга муваффақ қилсин.

⁶ Муслим ривояти.

⁷ Албоний бу ҳадисни исноди сахих деганлар.